

Хажвий адабиётимизнинг йирик ва истеъдодли вакили Неъмат Аминов 1937 йил 17 июлда Бухоро вилоятининг Ромитон туманида темирчи оиласида тугилган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг (1954—1959 йилларда) Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро педагогика олий билимгоҳининг тарих-филология факултетида тахсил кўрди.

Неъмат Аминов аввал Бухоро вилояти радио эшиттириш комитетида мухбир, сўнг Шўро Армияси сафларида хизматда бўлди. 1973 йилда у Тошкентга — «Муштум» ойнамасига ишга таклиф этилади. Ойнамада 1985 йилгача масъул котиб бўлиб ишлайди. 1989 йилда «Шарк юлдузи» ойнамасида бош мухаррир ўринбосари вазифасини бажарди. 1989 йилдан «Муштум» ойнамасининг бош мухарриридир.

Унинг дастлабки хажвияси 1965 йилда «Устоз аълам?» номи билан «Муштум» ойнамасида босилиб чиккан. Адибнинг биринчи хикоялар тўплами — «Икки пуллик обрў» (1966) унга обрў келтирди. Шундан кейин хажвчининг «Кирк учинчи почча» (1970), «Лабиховуз хандалари» (1973), «Жигари тўкилди» (1974), «Тилла табассумлар» (1977), «Чинорлар кўшиги» (1984), «Елкасиз полвон» (1986), «Ўғри мушукча» (1987), «Кахкаха» (1987), «Яллама ёрим» (1988), «Чолболанинг эртаклари» (1990) китоблари босилиб чикди.

Неъмат Аминов (Шакар Дехкон) устозлари Гафур Гулом ва Саид Ахмадлар сингари ўз хажвий хикояларини оғзаки хикоялаш санъати устаси хамдир.

Неъмат Аминовнинг адабиётга хиссаси хақида гапирганда унинг «Ёлгончи фаришталар» (1976-1984) деб номланган йирик сатирик асари биринчи бўлиб тилга олинади. Асар яхлит бир максадга қаратилган «Елвизак» ва «Суварак» киссаларидан иборат.

Неъмат Аминов ўзининг «Ёлгончи фаришталар» китоби учун 1987 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ойбек номидаги мукофотиغا сазовор бўлган.

Неъмат Аминовнинг хикоялари рус, украин, белорус, тожик, туркман, озарбайжон, грузин, колмик тилларига таржима қилинган. Бундан ташқари, поляк, болгар, румин, чех, мўгул, афгон, уйгур, урду тилларида ҳам унинг асарлари босилган.

Хажвиётчи адиб Саид Ахмад, Саъдулла Сиёев, Анвар Муқимов, Анвар Обиджонлар каторидаги ноёб истеъдод соҳиби сифатида ўзбек адабиёти сатира ва юморини ривожлантиришда ўзининг муносиб хиссасини кўшиб келмоқда. Ана шу улкан хизматлари учун унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони (1992) берилди.